
ФАРГОНАДА ЁШЛАР БИЗНЕС МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Бугун “Ёшлар – келажагимиз” жамғармаси Фарғона вилояти филиали биносида ташкил этилган Ёшлар бизнес маркази иш бошлади.

Жамғарма маблағлари ҳисобидан 2,64 миллиард сўм ажратилиб, қайта реконструкция қилиш орқали ташкил этилган Ёшлар бизнес марказида Book kafe, коворкинг маркази, IT-марказ, архитектура ва интеръер-дизайн маркази, юридик клиника, китоб дўкони, ёшлар медиа студияси, сайёҳлик агентлиги, конференциялар зали, хорижий тиллар ўқув маркази каби инновацион бўлимлар фаолияти йўлга қўйилган.

Ёшлар бизнес маркази бир вақтнинг ўзида 200 дан зиёд ёшларни ўз бағрига жойлай олади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-11-24 18:45:54